

ACTIVITIES OF THE PARLIAMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON JUDICIAL ISSUES UNTIL 2001

Saidova Zamira Aslonovna

*Chief Specialist of marketing and student practice Department of Tashkent Institute of
textile and light industry*

Annotation: *this thesis covers the work of the Parliament of the Republic of
Uzbekistan on the development of the judicial system until 2001, the work carried out in this
area and the activities of the parliament on judicial issues.*

Keywords: *Uzbekistan, Parliament, modernization, democracy, independence,
"declaration of Independence", Supreme Court, Criminal Code, lawyer, President,
liberalization.*

ЎЗБЕКИТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИНИНГ 2001 ЙИЛГАЧА СУД – ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ

Саидова Замира Аслоновна

*ТТЕСИ Маркетинг ва талабалар
амалиёти бўлими бош мутахассиси*

Аннотация: *Ушбу тезисда Ўзбекистон Республикаси парламентининг 2001
йилгача суд – ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, бу соҳада олиб борган ишлари ва
парламентнинг суд – ҳуқуқ масалалари бўйича фаолияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, парламент, модернизация, демократия,
мустақиллик, “Мустақиллик Декларацияси”, Олий Суд, Жиноят Кодекси, адвокат,
президент, либераллаштириш.*

Ўзбекистон халқи ХХІ асрга юксак инсоний кадриятларни эътироф этган ҳолда,
барқарор тараққиётга эришиш, мустаҳкам тинчлик, адолатли, демократик, ҳуқуқий
жамиятни қуриш ниятида жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда астойдил қадам
ташламоқда. Мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш,
модернизация қилиш йулидаги ҳаракатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш
ва бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш,
уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишимиз лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис
палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан
видеоселектор йиғилишидаги маърузасида “Демократия қаердан бошланади –

парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак”¹ деб, алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик ҳуқуқий жамияти умумий шаклланиш жараёнининг зарур таркибий қисмидир. Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини вужудга келтириш давлат сиёсатининг устувор йуналишидир.

Хўш, ҳуқуқий ислохотлар умуман қачон бошланди, деган савол туғилади. Конституциявий ҳуқуқий ислохотлари, асосан 1990 йил 20 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”дан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг уз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида давлат мустақиллиги эълон қилинди. Декларацияда давлат суверенитетининг асосий атрибутлари бирма - бир баён этилди.

Мустақилликнинг асосий ва энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Олий Кенгаш Баёнотидир. Бу ҳужжат 1991 йил 31 августда қабул қилинди. Баёнотда таъкидланишича, бундан буён Ўзбекистон давлати “Ўзбекистон Республикаси” деб аталиб, 1 сентябрь “Мустақиллик куни” умуммиллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Айниқса, мустақилликнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи Конституциявий ҳужжат – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни бўлиб, барча тарихий ҳужжатлар орасида энг асосийсидир.

Мустақиллик йилларида давлатимиз қонунчилигининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини эътироф этган ҳолда, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилидан келиб чиқиб, суд ҳокимиятининг одил даражада амалга оширувчи ва ижтимоий адолатни ўрнатувчи мустақил ҳокимият эканлигини эътироф этиб, суд-ҳуқуқ ислохотлари муаммоларида баъзи масалаларни ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, Конституциявий ҳуқуқий ислохотларнинг юридик базаси ва манбаи - 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Конституциямизнинг 106-моддасида таъкидланишича, “Суд ҳокимияти - қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилидир”². Суд

¹ “Парламент ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак.” “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 13 июль

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтазилган

хокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди, Олий Суд ва Олий ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Республикамизнинг ягона суд тизимини ташкил этади. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ тартиботини муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланмоғи керак.

Конституциямизда белгилаб берилган ҳоқимиятлар бўлиниши тамойили бириктирилди. Судларнинг фаолиятини қонун устуворлигини, ижтимоий адолат, фуқароларнинг тинчлиги ва ўзаро тотувлигини таъминлашга қаратиш кўзда тутилганди. Суд ҳоқимиятининг тузилиши асоси Ўзбекистоннинг 1993 йил 2 сентябрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни орқали яратиб берилди. Конституциявий суд тизими эса илк бора қонунчиликда назарда тутилиб, Конституциямизнинг 108-моддасида Ўзбекистон Конституциявий судининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳоқимиятининг актлари Конституцияга мослигини кўриб чиқиши белгиланди. Ҳоқимиятлар орасидаги ўзаро мувозанат ва назоратни таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига Конституциявий суднинг Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари қарорлари, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларнинг мос келиши масаласини кўриб чиқиш ваколатлари берилиши тўғрисидаги нормалар киритилди.

Лекин бу қонунлар давлатимиз ривожланшининг илк босқичлари даврида қабул қилинган бўлиб, суд-ҳуқуқ ислохотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган қонунчиликка киритилган ўзгаришларни тўлиқ қамрай олмаслиги, айниқса, айбсизлик презумпцияси тортишув жараёни, ҳимоя институтининг вужудга келганлиги ҳамда кучайиши, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси нормалари ҳамда адвокатлар ҳуқуқий статусининг янада юқорига кўтарилганлиги, “Адвокатура тўғрисида”, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунларнинг ва “Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг қабул қилиниши ва бошқа қонунларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Т: Ўзбекистон, 2008.

давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуришни тақозо этади. Бу эса суд-ҳуқуқ тизими тўғрисидаги янги қонунларни қабул қилишни кун тартибига қўйди ва бунга асосан Олий Мажлис Кенгаши томонидан 1999 йилнинг 15 июнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди. Унга жавобан, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” (янги таҳрири)даги³ Қонуни қабул қилиниб, суд - ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини, яъни суд ваколатларининг кенгайтирилиши, уларнинг давлат ҳокимиятининг тўла ҳуқуқли тармоғи сифатида эътироф этилиши ҳамда инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий негизларини самарали ҳимоя қилиш, уни кафолатлаш имкониятларини тўлиқ таъминлаш учун асос яратиб берди⁴.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларидаги муҳим қадамлардан бири сифатида 1994 йилда Ўзбекистоннинг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қордексларининг ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларини, “Судлар тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинишини кўрсатиш мумкин. Масалан, Жиноят кодексида жазоларнинг ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб белгиланиши нуқтаи-назаридан бутун жазо тизими қайта кўриб чиқилди ҳамда сургун ва бадарға каби жазо турлари чиқариб ташланди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларидаги муҳим босқич сифатида 2000 йил декабрида янги таҳрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишини кўрсатиш мумкин. Унда суд ислоҳотлари ва суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари борасидаги халқаро ижобий тажриба ҳамда мустақиллик йилларида тўпланган илғор тажрибадан кенг фойдаланилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлаштирилиши ва такомиллаштирилиши назарда тутилди. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини такомиллаштириш, одил судловни амалга ошириш тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида мазкур Қонунда мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида судларнинг ихтисослашуви ҳамда ҳудудий бўлиниши назарда тутилди. Кассация инстанциясида ишларни кўриб чиқиш тартиби ислоҳ қилинди. Ушбу инстанцияда кучга кирган суд қароридан норози бўлган фуқаролар шахсан ва бевосита ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини қўлга киритдилар.

Бу борада жиноят қонунини либераллаштириш масалалари энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Либераллаштиришнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этган

³ “Судлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 25-сон. Т.: Адолат, 2004.

⁴ Эрназаров О. Парламент ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари. Т. :Фан.2009.52-б.

Хожаназаров И.Э. унга янада аниқроқ тушунча бериб, “либераллаштириш – ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб, эркинлик, одиллик ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини намоён этган, имтиёз берувчи ва рағбатлантирувчи демократик қоидаларга асосланган миллий қонунчилик тизимини шакллантириш жараёни” эканлигини тўғри таъкидлайди⁵. Дарҳақиқат, 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *“Парламент ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши крак.” “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 13 июль*
2. *“Судлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 25-сон. Т.: Адолат, 2004.*
3. *Хожаназаров И.Э. Либераллаштириш –Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг марказий йўналиши. юрид.фан.ном.дисс. Автореферати. – Тошкент, 2009, 7-б.*
4. *Эрназаров О. Парламент ва суд-ҳуқуқ ислохотлари.Т. :Фан.2009.52-б.*
5. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т: Ўзбекистон, 2008.*

⁵ Хожаназаров И.Э. Либераллаштириш –Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг марказий йўналиши. юрид.фан.ном.дисс. Автореферати. – Тошкент, 2009, 7-б.